Куч — адолатда

2015 йил
30 октябрь,
жума
№ 42 (555)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Шу кунларда мамлакатимиз пойтахти — Тошкент шаҳрида IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси қизғин давом этмоқда.

Ушбу йирик саноат форуми Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йил 12 ноябрдаги "Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, 2009 йил 1 декабрдаги "Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ҳамда 2013 йил 29 январдаги "Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлилигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашни кучайтириш тўғрисида"ги қарорларига мувофиқ ўтказилмоқда.

ИҚТИСОДИЁТИМИЗ РЕАЛ СЕКТОРИ ЮТУҚЛАРИНИНГ НАМОЙИШИ

Тадбирнинг очилиш маросимида мустақилликнинг дастлабки йилларидан иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, юқори технологиялар асосида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, экспортни кенгайтириш мамлакатимизни ривожлантиришнинг муҳим вазифалари сифатида белгиланган таъкидланди. Инновациялар ва инвестицияларнинг кенг жалб қилиниши самарасида ишлаб чиқариш изчил ривожланиб, маҳсулот ва хизматлар жаҳон бозорига чиқмоқда.

Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар ижобий самара бераётганидан далолатдир. Ушбу тадбир жорий йилда мазмунан янада бойиди. Бунга қадар ўтказилган ҳудудий ва тармоқлар саноат ярмаркаларида тузилган шартномалар, жумладан, экспорт битимлари сони сезиларли равишда ошди. Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси дирекцияси маълумотларига кўра, саноат форумининг 4,8 мингдан ортиқ маҳаллий корхоналар иштирок этган дастлабки босқичи билан 89 мингдан зиёд киши, жумладан, хорижий компаниялар вакиллари танишди. Стендларда намойиш этилган 22 минг турдан ортиқ маҳсулотнинг 710 таси янги маҳсулотлардир.

2015 йилги ҳудудий саноат ярмаркаларида қиймати 377,5 миллиард сўмлик шартномалар имзоланди. Бу ўтган йилги кўрсаткичдан 24,5 фоиз кўпдир. Экспорт шартномалари қиймати эса, 180,8 миллион долларни ташкил қилди ва бу ўтган йилдагига нисбатан 8,4 фоиз ортиқ. Тармоқ саноат ярмаркалари якунлари бўйича умумий қиймати 617,9 миллиард сўмлик, яъни ўтган йилга қараганда, 5,2 фоиз кўп шартномалар имзоланди.

"Ўзэкспомарказ" кўргазма майдонларида IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида 2 мингдан зиёд фирма ва компания, йирик саноат корхоналари 21 минг турдан ортиқ маҳаллийлаштирилган ёки ўзлаштириш учун таклиф этилаётган маҳсулотларни намойиш қилмоқда. Иштирокчиларнинг таъкидлашича, 2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш давлат дастури ҳамда 2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари дастури импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнида муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Давоми тўртинчи бетда)

Sharh

Судланганлик ҳолати

унинг тугалланиши ва олиб ташланишига оид қонунчиликни қўллаш масалалари

Аввало шуни айтиш керакки, халқаро майдонда "ўзбек модели" дея эътироф этилган стратегик тараққиёт дастури асосида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда фуқароларнинг эркин, фаровон ҳаёт кечиришлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Юртдошларимиз ҳуқуқ ва эркинликларининг асосий кафолати сифатида ҳаётимизнинг барча соҳаларида қонун устуворлиги таъминланмоқда.

Бу каби ютуқлар албатта, энг улуғ ва энг азиз неъмат — Ватанимиз мустақиллиги билан узвий боғлиқдир. Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида таъкидланганидек, мустақиллик биз учун ҳаётимизнинг маъно-мазмунини бутунлай ўзгартирган, тарихимизда янги саҳифа очган буюк воқеа бўлиб, Ватанимизни, халқимизни эски мустабид тизим кишанларидан озод қилгани, миллий демократик давлат қуриш, барча мамлакатлар ва халқлар билан тенг бўлиб, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини очиб бергани билан қадрли ва мўътабардир.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳалари каби суд-ҳуқуқ тизими ҳам қатъий ва босқичма-босқич асосда изчил либераллаштириб борилмоқда. Бунда умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ қоидалари устунлигини тан олган ҳолда, дунё стандартларига мос равишда қабул қилинган, айрим тараққий этган давлатларда узоқ йиллар давомида илгари сурилмаган, бироқ бизда атиги йигирма йилдан кўпроқ вақт ичида ҳатто халқаро меъёрлардан устун тарзда ишлаб чиқилган теран ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар, пухта стратегик дастурлар асосида амалиётга жорий этилган ислоҳотлар ўзининг кенг қамрови, оламшумул кўлами ва миқёси, энг муҳими, ўзига хос ҳамда ўзига мос равишда юксак самарадорлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ислоҳотлар жараёнида қабул қилинаётган қонунларнинг амалиётда аниқ ва тўғри қўлланилишини таъминлаш, ягона суд амалиётини шакллантириш мақсадида мунтазам равишда суд амалиётини умумлаштириб, ишларни кўришда юзага келаётган муаммолар ва тушунмовчиликлар ечимини топиш, қонунларни қўллаш жараёнида йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриб бормоқда.

(Давоми учинчи бетда)

Ўзбекистонга катта режа ва мақсадлар билан бормоқдамиз

Президентимиз Ислом Каримовнинг фармойишига мувофиқ жорий йил 5-6 ноябрь кунлари пойтахтимизда Халқаро инвестициявий форум бўлиб ўтади. Форум ташкилий қўмитасидан маълум қилишларича, бугунги кунгача 250 дан ортиқ хорижий компаниялар, халқаро иқтисодий ва молиявий тузилмаларнинг раҳбар ва вакиллари иштирок этиш истагини билдирган.

ЎзА мухбирлари уларнинг айримлари билан интернет орқали боғланиб, мамлакатимиз тараққиёти ҳақидаги фикрлари, анжуман билан боғлиқ режа ва мақсадларини ёзиб олди.

Карстен ХАСБАХ, *"Siemens" компаниясининг Стратегия ва бизнес тараққиёти бўйича директори (Германия):*

— Ўзбекистоннинг изчил иқтисодий тараққиёти сўнгги ўн йил мобайнида мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажмининг мунтазам саккиз фоиздан юқори бўлаётганида ҳам яққол кўринмоқда. Бу халқ фаровонлигини оширишга, аҳоли яшаш тарзини янада яхшилашга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон — улкан табиий ва интеллектуал салоҳиятга эга мамлакат. Ўзбекистон ўзининг жўғрофий жойлашуви ва иқтисодий имкониятлари билан хорижий сармоядорлар учун ғоят жозибадор.

(Давоми учинчи бетда)

Ватанимиз сайёҳлик салоҳияти ва ҳуқуқий асослар

Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва фаровонлик сайёҳлик салоҳияти изчил ривожланишига кенг йўл очмоқда. Бугун Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликлар сони бўйича жаҳонда етакчи ўринларда туради. Бу Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида туризм фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга бағишлаб ўтказилган семинарда шулар хусусида сўз юритилди.

(Давоми учинчи бетда)

Мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Айниқса, бу борадаги ҳуқуқий асосларнинг изчиллик билан такомиллаштириб борилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, 2015 йил 10 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддасига кўра, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Mezon

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш

бу борадаги ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилди

Айтиш керакки, қонунга киритилаётган бундай ўзгартиш ҳамда қўшимчалар бу аввало, замон талаби. Мақсад — ривожланаётган жамият билан ҳамқадам бўлиш, қолаверса, йўл ҳаракати иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш, бу ишнинг самарадорлигини оширишдан иборат.

Маълумки, йўл-транспорт ҳодисаларида инсон ўлимига ва тан жароҳати олишига сабабчи бўладиган асосий ҳолат, бу белгиланган тезлик талабларига риоя этмасликдир. Агар таҳлилларга назар ташлайдиган бўлсак, биргина 2014 йилда содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг 35,3 фоизи белгиланган тезликка риоя этмаслик оқибатида юз берган.

Бундан кўринадики, айнан мана шу йўналишдаги ишларимизни тубдан ўзгартиришимиз ва бу ишга замонавий техник воситаларни жалб этишимиз керак. Бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун замонавий техник воситалардан фойдаланиш йўлга қўйилди. Натижада аниқланаётган қоидабузарликлар сони ошгани ҳолда йўл-транспорт ҳодисаларининг сони камайишига эришилди.

Жумладан, "Крис-П", "Арена", "Искра видео-2" каби фоторадар ва мобиль комплексларининг қўлланилиши натижасида охирги 5 йил ичида йўл-транспорт ҳодисаларининг сони 506 тага камайди.

(Давоми иккинчи бетда)

Istiqlol imkoniyatlari

Кассация инстанцияси

ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашда муҳим ўрин тутади

Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари йўлида яратилган ишончли ҳуқуқий ҳимоя тизими суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар жараёнида жамиятимиз қўлга киритган энг катта ва ёрқин ютуқлардан бири бўлди.

Ушбу жараёнда амалга оширилган салмоқли ва стратегик инсонпарварлик тадбирларининг муносиб ифодасини бир тарафдан, жиноий жазоларнинг самарали тарзда либераллаштирилгани, иккинчи тарафдан эса, ушбу олижаноб мақсадни рўёбга чиқаришга хизмат қилувчи ҳуқуқий-демократик институтлар тизими адолат, қонунийлик, бағрикенглик, кечиримлилик тамойиллари асосида давр талабларига ҳамоҳанг тарзда қайта шакллантирилгани ҳамда такомиллаштирилгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Мамлакатимизда кечаётган демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, адолатли судловни амалга ошириш, бунда қонунийлик тамойилига тўла риоя этилишини таъминлаш, қуйи босқич судлари томонидан йўл қўйилган камчиликларни ўз вақтида бартараф қилишда судловнинг кассация босқичи алоҳида ўрин тутади. Умуман олганда, судловнинг бир неча босқичда амалга оширилиши йўл қўйилган хатоларни бартараф этибгина қолмай, айни пайтда адолат ва қонунийлик тантанасига ҳам хизмат қилади.

Истиқлолнинг илк палласидаёқ жаҳон андозаларидаги демократик тамойиллар, инсон ҳуқуқлари устуворлиги принципларини эътироф этган мамлакатимиз ҳозирда ушбу олижаноб мақсадни дадиллик ва собитқадамлик билан амалга оширмоқда. Буни ўтган даврда қабул қилинган қатор қонун ҳужжатлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мазкур ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар орасида адолатли судловнинг кассация босқичига ҳам катта ўрин ажратилган. Хусусан, Олий суд Пленумининг **"Судлар томонидан жиноят ишларини кассация тартибида кўриш амалиёти тўғрисида"**ги қарорида қайд этилганидек, кассация тартибида иш юритиш жиноят ишлари бўйича суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш кўринишларидан бири ҳисобланади.

Бу борада жиноят процесси иштирокчиларига кенг ҳуқуқ ва ваколатлар берилган ва қарорда қайд қилинганидек, судловнинг мазкур босқичи жиноят процесси иштирокчиларининг иш юқори суд инстанциясида суд қарори қонуний кучга киргандан сўнг қайта кўрилишига бўлган ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган муҳим ҳуқуқий институт мақомида фаолият кўрсатади.

Мазкур институтнинг жорий этилиши мамлакатимизда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги меъёрларини амалиётга тўғри ва тўла-тўкис татбиқ қилиш, муқаддам йўл қўйилган камчиликларга барҳам бериш, адолат ва қонунийликни рўёбга чиқаришнинг муҳим ва самарали омилига айланди. Буни жиноят процесси иштирокчиларининг ушбу институтга бўлган ишончи йил сайин ортаётганлиги мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Шу ўринда ишларни кассация тартибида кўриш жараёнида судлар олдига қўйилаётган талабларни қаноатлантириш кўрсаткичлари ортиб бораётганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят судининг кассация инстанциясига ишларни кўришга оид 106 та расмий мурожаат келиб тушди.

(Давоми иккинчи бетда)

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

Айтинг-чи, умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси қандай ҳолларда бекор қилиниши мумкин?

Амирахон УБАЙДУЛЛАЕВА,
Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри

— Амалдаги Фуқаролик кодексининг 530-моддасига кўра, умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани бошқа шахсга бериш шартномасига мувофиқ, бир тараф (олувчи) ёши ёки соғлиғи туфайли меҳнатга лаёқатсиз бўлган бошқа тараф (бошқа шахсга берувчи)ни натура ҳолида (уй-жой бериш, овқатлантириш, парваришлаш ва зарур ёрдам кўрсатиш тарзида) умрбод моддий таъминлаш мажбуриятини олади, бошқа шахсга берувчи эса, олувчига уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани мулк қилиб бериш мажбуриятини олади.

Ушбу модданинг 533-моддасига асосан, агар уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани олувчи умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажармаса ёки тегишли даражада бажармаса, бошқа шахсга берувчи таъминотни вақти-вақти билан ҳақ тарзида тўлаб туришга алмаштиришни ёки шартномани бекор қилишни талаб қилиши мумкин.

Агар олувчининг моддий аҳволи ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, бошқа шахсга берувчига шартлашилган таъминотни бера олмайдиган даражада ўзгарса ёки бошқа шахсга берувчи меҳнат қобилиятини тикласа, шартнома олувчининг талабига кўра, бекор қилиниши мумкин. Шартнома юқорида назарда тутилган асослар бўйича бекор қилинган тақдирда уй (уйнинг бир қисми), квартира бошқа шахсга берувчига қайтарилиши лозим. Бундай шартнома бошқа шахсга берувчининг талабига кўра, бекор қилинган тақдирда олувчи шартнома амалда бўлган вақтда бошқа шахсга берувчини таъминлаш ва уйни (уйнинг бир қисмини), квартирани сақлаб туришга қилган харажатларини қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Суд томонидан тайинланган жаримани белгиланган муддатларда тўлашдан бўйин товлаш қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради? Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз.

Саъдулло ОЛИМОВ,
Сурхондарё вилояти, Шўрчи тумани

— Сизнинг бу саволингизга жавоб беришдан аввал шуни айтиш керакки, аслида жарима айбдордан давлат даромадига Жиноят кодексида белгиланган миқдорда пул ундиришдир. Жарима энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан олти юз бараваригача миқдорда белгиланиши мумкин.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 44-моддаси учинчи қисми талабига кўра, агар ҳукм қилинган шахс жазо тариқасида тайинланган жаримани мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатларда тўлашдан бўйин товласа ёхуд қарздорда ундирув қаратилиши мумкин бўлган молмулк мавжуд эмаслиги туфайли мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддат мобайнида жаримани ундиришнинг имкони бўлмаса, худди шунингдек, кечиктириш муддати тугаганидан кейин жарима тўланмаган ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бузилган тақдирда, суд жариманинг тўланмаган миқдорини ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, қамоқ, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Бундай ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилишнинг ҳар бир ойи энг кам ойлик иш ҳақининг ўн олти баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга, қамоқнинг ҳар бир ойи эса, энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, олти ойдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади.

Илтимос, маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар ҳақида маълумот берсангиз?

Искандар АЗИМОВ,
Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 31-моддасида таъкидланганидек, маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар жумласига қуйидагилар киради: 1) айбдорнинг ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиши; 2) айбдор ҳуқуқбузарликнинг зарарли оқибатлари олдини олиши, етказилган зиённи ихтиёрий равишда тўлаши ёки келтирилган зарарни бартараф қилиши; 3) ҳуқуқбузарликнинг кучли руҳий ҳаяжон таъсири остида ёки оғир шахсий, оилавий ёхуд бошқа шароитлар юзага келганлиги оқибатида содир этилиши; 4) ҳуқуқбузарликнинг таҳдид ёки мажбурлов таъсирида ёхуд хизмат юзасидан, моддий ёки бошқа жиҳатдан қарамлиги таъсири остида содир этилиши; 5) ҳуқуқбузарликнинг вояга етмаган шахс томонидан содир этилиши; 6) ҳуқуқбузарликнинг ҳомиладор аёл ёки ўн тўрт ёшгача бўлган боласини якка ўзи тарбиялаётган шахс томонидан содир этилиши.

Бундан ташқари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) бошқа ҳолатларни ҳам жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин.

Саволларга жиноят ишлари бўйича Денов тумани судининг раиси Равшанбек ҚУТТИБЕКОВ жавоб берди.

Mezon

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш

бу борадаги ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Балки бу рақамлар кимларгадир арзимасдек бўлиб туюлар, аммо ушбу рақамлар ортига инсон тақдири турганлигини инобатга олсак, унинг аҳамияти ва моҳияти ойдинлашади. Демак, кўряпсизки, тизимга янги технологияларни жорий этиш ижобий самара бермоқда.

Ҳозирда йўл ҳаракати қоидалари бузилишининг олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳрида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлашнинг компьютерлашган бошқарув тизимини жорий этиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ушбу тизим биринчи навбатда, светофорнинг тақиқловчи ишорасига бўйсунмаслик ҳамда белгиланган тезлик талабларига риоя этмаслик ҳолатларини автоматик равишда қайд этиб боради. Бу янгилик ҳам белгиланган тезлик талабларини назорат қилиш борасида амалдаги меъёрий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо этди. Жумладан, илгари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 128^3-моддаси 3-қисмига асосан, жазо чораларини қўллаш суд идоралари томонидан амалга оширилар эди. Аммо янги қабул қилинган қонун билан киритилган ўзгартишларга кўра, махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қоидабузарликлар аниқланган тақдирда, ҳуқуқбузарликнинг такрорийлиги ҳисобга олинмаслиги белгилаб қўйилди. Шу сабабли ҳамда жорий этилаётган компьютерлаштирилган бошқарув тизими орқали ҳайдовчиларнинг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 40 километрдан ортиқ катталикда ошириб юбориш ҳолатларини ҳам автоматик тарзда қайд этиш имкониятидан келиб чиққан ҳолда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 128^3-моддаси 3-қисми иккита мустақил қисмларга ажратилди. Унга кўра, транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 40 километрдан ошириб юборгани учун энг кам ойлик иш ҳақининг етти баравари миқдорида жарима солиш тартиби белгиланди ва бундай ҳолатларда жарима солиш ваколати ДЙҲХХ мансабдор шахслари зиммасига юклатилди.

Яратилаётган тизимнинг асосий функционал вазифаларидан бири тирбанд ва серқатнов кўчаларда йўл ҳаракати устидан назоратни амалга ошириш ҳамда йўл ҳаракати соҳасидаги турли ҳуқуқбузарликларни автоматик қайд этиш ҳисобланади. Албатта, ушбу автоматик қайд этиш воситаларини ҳаётга самарали татбиқ этиш учун уларни қўллаш механизмларини такомиллаштириш талаб этилади.



Мамлакатимизда бугун амалда фойдаланилаётган йўл ҳаракати қоидабузарликларини автоматик қайд этиш бўйича кўчма фоторадар ва мобиль комплексларини қўллаш юзасидан тўпланган тажрибани ҳисобга олиб, йўл ҳаракати устидан видеокузатув ва назорат техник воситаларини қўллаш билан бир вақтнинг ўзида аниқланган ҳамда қайд этилган ҳуқуқбузарликлар содир этган қоидабузарларга нисбатан маъмурий чоралар қўллаш механизмини яратиш зарурати юзага келди.

Биринчидан, автоматлаштирилган бошқарув тизими ҳар қандай йўл ҳаракати қоидалари бузилган жойни, вақтини, транспорт воситасининг давлат рақам белгисини қайд этади. Лекин тизим айнан йўл ҳаракати қоидасини бузган ҳайдовчининг шахсини аниқлаш имкониятига эга эмас.

Битта транспорт воситасининг бир неча шахс томонидан бошқаришга имкон берилганлиги (ишончнома, ижара шартномалари, лизинг) айнан қоидабузарликни содир этган шахсни аниқлаш ишларини чигаллаштиришга олиб келиши мумкин.

Шу сабабдан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун шахсларни маъмурий жавобгарликка тортишни назарда тутувчи 17^1-модда билан тўлдирилди.

Бунда қоидабузарликнинг такрорийлиги инобатга олинмаслиги, агарда транспорт воситасининг эгаси ўзининг айбсизлигини исботласа ёки қонунчиликка зид равишда транспорт воситасини бошқа шахс бошқарганлиги аниқланганда транспорт воситаси эгасининг жавобгарликдан озод этилиши кўзда тутилган.

Иккинчидан, автоматлаштирилган тизимнинг марказлашган "он-лайн" режимида ишлашини инобатга олган ҳолда аниқланган қоидабузарликни расмийлаштириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1. Маъмурий баённома расмийлаштирмасдан ДЙҲХХ мансабдор шахсининг электрон имзоси билан тасдиқланган жарима солиш тўғрисидаги қарорнинг нусхаси 3 кунлик муддат ичида транспорт воситаси эгасининг номига юборилади.

Бунда автоматлаштирилган тизим орқали олинган маълумотлар маъмурий иш бўйича далил сифатида қабул қилиниши назарда тутилган. Шу боис Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 309^1-модда билан тўлдирилди ва унинг 276, 283-моддаларига ўзгартишлар киритилди.

2. Йўл ҳаракати қоидаларини бузган ҳуқуқбузар томонидан жаримани ихтиёрий тўлаш муддатини жарима солиш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан бошлаб 60 кун қилиб белгиланди.

Ҳуқуқбузар ушбу муддатда жаримани тўлашдан бош тортган ҳолда ДЙҲХХ органлари томонидан транспорт воситаси вақтинчалик жарима майдонига жойлаштирилади ҳамда ҳуқуқбузар белгиланган жаримани тўлиқ тўламагунга қадар автомобиль жарима майдонида ушлаб турилади. Қабул қилинган янги қонун ДЙҲХХ органига мана шундай ваколатни беради. Шу сабабдан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 332, 291-моддаларига ҳам қўшимчалар киритилди.

3. Албатта, ушбу янгилик жорий этилганидан кейин унга тўсқинлик қилишга интилувчилар ҳам топилади, яъни айрим қоидабузар ҳайдовчилар айбини яшириш учун давлат рақам белгиларини турли йўллар билан беркитиш, кўринишини чеклаш каби бир қатор қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни содир этишга уриниши мумкин. Бу нафақат бизда, балки ривожланган хорижий давлатларда ҳам кузатилган. Шу сабабли давлат рақами белгиларининг кўринишини чеклайдиган, уларни тўғри идрок этишга тўсқинлик қилувчи нарсалар ва қопламалар ўрнатганлик учун жавобгарлик белгиланди. Бунда ана шу қурилмаларни мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса, уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солиш ҳамда транспорт воситасини ушлаб туриш сабаби бартараф этилгунга ва маъмурий иш кўриб чиқилгунга қадар вақтинча ушлаб туриш назарда тутилган. Шу сабабли Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 127-моддасига қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Учинчидан, маълумки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 36, 271-моддаларига асосан, маъмурий жазо (жарима, махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш, маъмурий қамоқ) ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб икки ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин. Ушбу муддат ўтгандан сўнг маъмурий иш тўхтатилади.

Автоматлаштирилган бошқарув тизимининг ишга туширилиши билан қоидабузарлик содир этган шахсни аниқлаш, иш ҳужжатларини бир ҳудуддан иккинчи бир ҳудудга юбориш учун маъмурий иш материалларини расмийлаштириш, кўриб чиқиш муддати чўзилиб кетиши натижасида белгиланган муддат ўтиб кетиб, маъмурий иш тугалланишига сабаб бўлиши мумкин. Биз бу йўналишда ҳам ривожланган давлатларнинг тажрибасини ўргандик. Жумладан, АҚШ, Германия, Франция, Япония ва Хитой давлатларида маъмурий жазо қўллаш муддати ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб 1 йилдан 3 йилгача белгиланган. Шундан келиб чиқиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 36-моддасида маъмурий жазо қўллаш муддати бир йил этиб белгиланди.

Тўртинчидан, йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ҳолатларини автоматик равишда аниқлаш учун махсус техник воситалардан фойдаланилиши, бундай тизимнинг ўзига хослиги, бунда такрорийликнинг инобатга олинмаслиги, ваколатли органларга оид ишларнинг алоҳида кўриб чиқилиши, шунингдек, судларнинг иш ҳажмларини инобатга олган ҳолда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 28, 128^3, 245, 248, 256 ва 294-моддаларига қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Яъни маъмурий ишни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган суд, ички ишлар ва мудофаа органларига тааллуқли моддаларга аниқлик киритилди.

Бешинчидан, йўл ҳаракати қоидаларини бузмаган ёки асоссиз равишда маъмурий жавобгарликка тортилаётган транспорт воситаси эгасини жавобгарликдан озод этиш, қоидани бузган бошқа шахсни умумий асосларда жавобгарликка тортиш учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 321-моддасига ҳам ўзгартишлар киритилди.

Умуман олганда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 2 та янги модда билан тўлдирилиб, 13 та моддага қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Хулоса ўрнида айтганда, ушбу янги қонуннинг қабул қилиниши йўл ҳаракати иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Холматжон САЙДАЛИЕВ,
ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи, полковник

Istiqlol imkoniyatlari

Кассация

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Жами 125 нафар шахсга доир ушбу ишларнинг 10 таси (13 нафар шахсга оид) бўйича муқаддам чиқарилган суд ҳукмлари бекор қилинган бўлса, 23 нафар шахсга нисбатан 20 ишдан иборат суд ҳукмлари ўзгартирилди, 5 нафар судланувчига нисбатан (5 та иш бўйича) чиқарилган ҳукмлар мазмуни эса, қонунга мувофиқлаштирилди.

Шу ўринда мисолларга эътибор қаратадиган бўлсак, дастлабки тергов ва суд жараёнида аниқланган ҳолатларга қараганда, Хонқа туманидаги "Шавкат-Клара" хусусий фирмаси раҳбари Шавкат Жуманиёзов 2010 йилнинг 27 апрелидан 2011 йилнинг 23 декабригача жами 63,1 миллион сўмлик парранда гўшти ва тухумини тегишли рухсатнома (мувофиқлик сертификати)га эга бўлмаган ҳолда сотувга чиқарган. Унинг бу қилмиши Жиноят кодексининг 189-моддаси 3-қисми билан квалификация қилинган. Мазкур жиноят ишини кассация инстанциясида кўриб чиқиш жараёнида суд ҳукмига нисбатан прокурор протести ва айбланувчининг эътирози атрофлича ўрганиб чиқилди. Бунда судланувчига нисбатан Жиноят кодексининг юқоридаги моддаси гарчи тўғри татбиқ қилинган бўлса-да, ушбу кодекснинг 64-моддаси 1-қисми "а" банди эътибордан четда қолгани маълум бўлди. Гап шундаки, ушбу модданинг қайд қилинган бандига мувофиқ шахс ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар учун қонунбузарлик ҳаракати содир этилган кундан бошлаб уч йил муддат ичида жавобгарликка тортилиши мумкин. Акс ҳолда, айбланувчи жавобгарликдан озод қилинади. Кассация инстанцияси масаланинг айни шу жиҳатини назарда тутиб, Ш.Жуманиёзовни муқаддам тайинланган ахлоқ тузатиш ва ойлик иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромадига ўтказиш жазосидан озод қилди.

Кассация ҳайъати томонидан кўриб чиқилган бошқа бир иш асосида эса, Озод Отабоев устидан чиқарилган ҳукм бекор қилинди. Мазкур суд ҳукмига нисбатан прокурор протести қонун талаблари асосида ўрганиб чиқилганида, айбланувчига нисбатан бир нечта амнистия акти нотўғри қўлланилгани маълум бўлди. Олий суд Пленумининг "Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарори 2-бандида, ушбу акт маъмурий ва жиноят қонуни меъёрларидан фарқланиб, амал қилиш даврида содир этилган қилмишга нисбатан эмас, балки кучга киргунга қадар содир этилган қилмишга нисбатан қўлланилиши белгиланган. Айбланувчи томонидан 2005 йилнинг март ойида жиноий қилмиш содир этилган. Шундан сўнг у узоқ вақт қидирувда бўлгани сабабли қуйи босқич судининг ҳукми 2015 йил 19 январь куни чиқарилган.

Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган ўта оғир жиноятни содир этган ҳолда суд ва терговдан яшириниб юрган О.Отабоев орадан салкам 10 йил ўтгач, 2014 йилнинг ноябрь ойи охирида бошқа бир жиноий ҳаракатни содир этаётган пайтда қўлга олинган ва ушбу ҳаракати учун мазкур кодекснинг 223-моддаси бўйича жавобгарликка тортилган. Ушбу ноқонуний ҳаракатни тафтиш қилиш жараёнида гумонланувчи томонидан муқаддам содир қилинган гиёҳвандфурушлик жиноятлари ҳам фош этилган. Пировардида ўтказилган суд тергови жараёнида айбланувчига нисбатан 2005, 2006, 2007, 2012 ва 2013 йилларда қабул қилинган Амнистия тўғрисидаги қарорлар татбиқ этилган ва тайинланган жазо муддати тўртдан бир қисмига қисқартирилган. Юқорида қайд қилинганидек, амнистия актларини қўллашнинг ўз тартиб-тамойиллари бор ва Олий суд Пленуми қарорига мувофиқ, ушбу акт нормалари мазкур ҳуқуқий ҳужжат амалда бўлган даврда эмас, балки у кучга киргунга қадар содир қилинган жиноий хатти-ҳаракатларга нисбатан қўлланилади. Кассация ҳайъати ушбу масалада йўл қўйилган хатони бартараф этиб, ишни бошқа суд таркибида янгидан кўриш учун дастлабки инстанция судига юбориш юзасидан ажрим чиқарди.

Шу ўринда, дастлабки босқич судлари томонидан чиқарилаётган ҳукм ва ажримлар кассация ҳайъати ажримига кўра, ўз кучида қолдирилаётганлигини ҳам қайд этиш зарур. 2014 йили кассация инстанцияси жами 78 та иш юзасидан 98 нафар шахсга, 2015 йилнинг 9 ойи мобайнида эса, 74 та иш бўйича 84 нафар шахсга доир дастлабки босқич судлари ҳукмларини ўз кучида қолдирди. Бу судлар томонидан ишларни тўғри ва қонунан кўриб чиқаётганини кўрсатувчи яна бир аниқ далилдир.

Амалдаги қонунларимизда кассация инстанциясига оид мурожаатларни кўриб чиқишнинг алоҳида хусусият ҳамда тартиб-қоидалари белгиланган. Жумладан, Жиноят-процессуал кодексининг 498-моддасида белгиланишича, маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек, жабрланувчи, унинг вакили суднинг қонуний кучга кирган ҳукми ва ажрими устидан, агар иш апелляция тартибида кўрилган бўлмаса, кассация тартибида шикоят беришга ҳақлидир.

Sharh

Судланганлик ҳолати

унинг тугалланиши ва олиб ташланишига оид қонунчиликни қўллаш масалалари

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Жумладан, Олий суд Пленуми томонидан жорий йилнинг 18 сентябрида қабул қилинган "Судланганлик ҳолати тугалланиши ва олиб ташланишига оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарори бу борада алоҳида эътиборга молик бўлиб, ён атрофимиздаги давлатлар орасида илк бор мамлакатимиз Олий суди томонидан бу масалага тушунтиришлар берилгани билан аҳамиятлидир.

Айни пайтда, яна шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, жиноят қонунчилигида белгиланган судланганлик ҳолатининг тугалланиши ёки муддатидан олдин олиб ташланиши инсонпарварлик тамойилининг бир кўринаши бўлиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим жиҳатларидан ҳисобланади.

Чунки судланганликнинг тугалланиши ёки олиб ташланиши мазкур шахсга нисбатан юзага келган жиноят ҳуқуқий ва умумҳуқуқий хусусиятга эга бўлган муайян салбий оқибатларни бекор қилиб, оддий сўз билан ифодалаганда, уни Бош Қомусимизда белгиланган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқлари тикланган ҳолда жамиятнинг тўла қонли аъзосига айланишига имкон беради.

Шу муносабат билан қайд этилаётган Пленум қарорида судланганлик ҳолатининг тугалланиши ва олиб ташланиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш борасида судларга тегишли тушунтиришлар берилди.

Судланганлик — шахсга суд ҳукми билан жазо тайинланганидан сўнг келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолат бўлиб, Жиноят кодексининг 77-моддасига мувофиқ, судланганлик ҳолати жиноят иши юритилган шахсга нисбатан жазо тайинланган суд ҳукми қонуний кучга кирганидан бошлаб, у тугалланган ёки олиб ташланган вақтга қадар давом этади.

Судланганлик ҳолати келгусида шахсга нисбатан ҳуқуқий хусусиятга эга муайян салбий оқибатлар келиб чиқишида кўринади.

Жиноят кодексида шундай нормалар мавжудки, уларни инсонпарварлик тамойилларини ҳуқуқий таъминлашнинг кафолатли жиҳатлари дея эътироф этиш мумкин. Масалан, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахс иши судда кўрилгунга қадар намунали хулқ-атвори билан ўзини кўрсатса, унинг қилмиши амнистия ёки афв этиш асосида кечирилса ёхуд у қонунда кўрсатилган мажбуриятларни бажариб, жабрланувчи билан ярашса ва шу каби бошқа асослар мавжуд бўлса, у жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинади ёхуд унга нисбатан жазо тайинланмайди ва булар жиноят қонуни талабига кўра, шахс судланмаган деб ҳисобланадиган ҳолатлар сифатида эътироф этилади.

Шунингдек, шахсга тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилиши, Жиноят кодексига мувофиқ, жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги, қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши каби бошқа ҳолатлар ҳам шахснинг судланмаган деб ҳисобланиши учун асос бўлади.

Судланганлиги тугалланмаган ва олиб ташланмаган шахс томонидан янги жиноят содир этилган ҳолда судланганлик ҳолатининг ҳуқуқий оқибатлари юзага келади. Бинобарин, судланганлик айрим ҳолларда жиноят квалификациясига таъсир этиб, жиноий жавобгарликни кучайтиради. Судланганлик муайян ҳолларда шахснинг ўта хавфли рецидивист деб топишга асос бўлади. Агар шахс муқаддам судланиб, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиққан бўлса, бу ҳолат янги жинояти учун тайинланаётган жазони ижро этиш колонияси турини белгилашда инобатга олинади.

Судланганлик, шунингдек, иш ҳолатларига қараб, шахсга нисбатан жазо тайинлаш вақтида жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилади. Илгари содир этган жинояти учун жазо ўтаётган шахс томонидан янги жиноят содир этилган ҳолларда, унга жазо белгилашда бу ҳолат ҳукмлар мажмуи тариқасида қаттиқроқ қоидалар қўлланилишига сабаб бўлади.

Бундан ташқари тугалланмаган ва олиб ташланмаган судланганлик ҳолатининг мавжудлиги айрим асослар бўйича, масалан, айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги, алоҳида ҳолларда эса, (оғир ва ўта оғир жиноятлар учун судланганлик ҳолати мавжуд бўлганда), жиноят содир этган шахс жабрланувчи билан ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилишига, шунингдек, шартли ҳукм қилинишига ёхуд вояга етмаган шахсга нисбатан мажбурлов чораларини қўллашга тўсқинлик қилади.

Қонун талабига кўра, судланганлик ҳолати — унинг тугалланиши ва олиб ташланиши билан якунланади.

Судланганлик ҳолатининг тугалланиши суд томонидан шахсга тайинланган жазо ўтаб бўлингани ҳамда Жиноят кодексининг 78-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтганлиги натижасида ўз-ўзидан барҳам топади.

Судланганликнинг олиб ташланиши эса, суд томонидан шахсга тайинланган жазо ўтаб бўлинган бўлса-да, судланганлик ҳолатининг ўз-ўзидан барҳам топиши учун қонунда белгиланган муддатлар ўтмасдан туриб, муддатидан аввал суд қарори билан олиб ташланиши билан якунланади.

Бироқ амалиётда судланганлик ҳолати қонунда белгиланган муддат ўтиши муносабати билан тугалланган ҳолатларда ҳам уни олиб ташлаш юзасидан келтирилган мурожаатлар суд мажлисида муҳокама қилиниб, суд қарорлари чиқарилмоқда.

Шу сабабли Олий суд Пленуми қарорида бу борада юзага келган тушунмовчиликларга барҳам бериш, фуқароларнинг ортиқча оворагарчиликлари олдини олиш, қонун талабини таъминлаш мақсадида, бундай мурожаатларга ҳукм чиқарган суд томонидан судланганлик ҳолати мавжуд эмаслиги фактини тасдиқловчи маълумотнома берилиши билан кифояланилиши лозимлиги ҳақида тушунтиришлар берилди.

Судланганликнинг олиб ташланиши учун шахс жазони ўтаб чиққанидан сўнг унга маъмурий жазо ёки интизомий таъсир чораси қўлланилмагани, жамоат бирлашмаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, жамоа ёки шахснинг ўзи Жиноят кодексининг 79-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтгандан сўнг берган илтимосномаси асос бўлади.

Судланганлик ҳолатининг тугалланиши ёки олиб ташланиши, шу шахс қайтадан жиноят содир этганида унинг ҳаракатларини квалификация қилишда жиноятлар мажмуини, такрорланганлигини ва рецидив жиноятни истисно этувчи ҳолат ҳисобланиб, шахснинг илгари судланганлиги билан боғлиқ барча ҳуқуқий оқибатларни қатъиян бекор бўлишига сабаб бўлади.

Қонунга мувофиқ, судланганлик ҳолати тугалланиши ёки олиб ташланиши муддатлари асосий ва қўшимча жазолар ўтаб бўлинган ёки синов муддати тугаган кундан бошлаб ҳисобланади.

Қамоқ, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш каби жазоларга қўшимча сифатида муайян ҳуқуқлардан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланган ҳолларда, қўшимча жазо асосий жазоларни ўташнинг барча вақтига ва ҳукмда белгилаб қўйилган муддатга татбиқ этилади. Бунда судланганлик ҳолати тугалланиши ёки олиб ташланиши муддати асосий жазодан сўнг қўшимча жазо ўтаб бўлинган пайтдан бошланади.

Жарима ёки ахлоқ тузатиш иши жазосига ҳукм қилиниб, кейинчалик Жиноят кодексининг 44 ва 46-моддаларига асосан жазоси қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш ёхуд жарима жазосидан ахлоқ тузатиш ишлари каби бошқа жазо турига алмаштирилган шахснинг судланганлик ҳолати, ушбу жазолар ўталган кундан бошлаб, мазкур жазо тури учун Жиноят кодексининг 78-моддасида белгиланган муддат ўтиши билан тугалланади.

Жиноят қонунчилигига мувофиқ, озодликдан маҳрум қилиш жойларидан муддатидан илгари шартли озод қилинган, шунингдек, жазоси енгилроғи билан алмаштирилган шахснинг судланганлик ҳолати тугалланиши — ҳукмда суд томонидан белгиланган жазо муддатидан эмас, балки озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод қилинган кунга қадар амалда ўталган озодликдан маҳрум қилиш жазоси муддатидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Бунда судланганлик ҳолатининг тугалланиш муддати озодликдан маҳрум қилиш жойларидан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсга нисбатан муайян ҳуқуқлардан маҳрум қилиш каби қўшимча жазо тайинланмаган бўлса, Жиноят кодексининг 73-моддаси қўлланилган пайтдан, жазоси енгилроғи билан алмаштирилган шахсга нисбатан ушбу кодекснинг 74-моддасига мувофиқ белгиланган енгилроқ жазо ўталган пайтдан бошлаб ҳисобланади.

Жиноят кодексининг 80-моддасида белгиланган судланганлик ҳолати тугалланишини ҳисоблаш тартиби енгилроқ жазони назарда тутувчи янги қонун нормаси амалга киритилиши муносабати билан жазоси қисқартирилган шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Қонунда судланганлик ҳолатини тугатувчи муддат ўтишининг тўхташга оид қоидалар ҳам белгиланган бўлиб, жазони ўтаб чиққан шахс судланганлик ҳолати муддати тугамай туриб яна жиноят содир этган ҳолларда, судланганлик ҳолатини тугатувчи муддат тўхтатилади.

Судланганлик ҳолатининг муддати шахс янги жинояти учун тайинланган жазони ўтаб бўлгандан сўнг яна янгидан бошланади. Судланганлик ҳолати ўтмасдан туриб содир этилган янги жиноят учун тайинланган жазо шахснинг илгариги судланишида тайинланган жазодан оғирроқ бўлган ҳолларда, судланганлик ҳолатининг тугалланиш муддатини ҳисоблашда шахснинг янги жинояти учун тайинланган оғирроқ жазо муддатидан келиб чиқилади.

Судланганлик ҳолатининг тугалланиши шахсга тайинланган жазо тури ва муддати билан боғлиқлиги сабабли, бир неча жиноятлар ёки ҳукмлар мажмуи бўйича узил-кесил жазо тайинланган ҳолларда, судланганлик ҳолатининг тугалланиш муддати узил-кесил жазо тури ва муддатидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Агар жиноятлар ёки ҳукмлар мажмуи бўйича ҳар хил турдаги ҳамда ҳар қайсиси алоҳида ижро этиладиган жазолар тайинланган бўлса, судланганлик ҳолатининг тугалланиш муддатини ҳисоблашда Жиноят кодексининг жазо тизимида назарда тутилган оғирроқ жазо тури ва муддатидан келиб чиқилади.

Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ, судланганликни муддатидан илгари олиб ташлаш тўғрисидаги илтимоснома судланганлик ҳолати мавжуд бўлган шахс, унинг ҳимоячиси ёки қонуний вакилининг ёхуд жамоат бирлашмаси ёки жамоа томонидан жазони ўтаб чиққан шахснинг яшаш жойидаги туман (шаҳар) судига берилади.

Судланганликни муддатидан илгари олиб ташлаш масаласини ҳал этишда суд томонидан судланганлик ҳолати мавжуд шахснинг қонунга итоаткор турмуш тарзини тасдиқловчи ҳолатлар, шахс жазони ўтаб чиққанидан сўнг ҳуқуқбузарликлар содир этмагани, жазони ўташдан озод қилингандан кейинги хулқ-атвори, ишлаш ва яшаш жойидан ижобий тавсифномаларга эгалиги, ички ишлар органи ахборот марказининг маълумотномаси мавжудлиги ва бошқа зарур ҳужжатлар аниқланиши лозим.

Судланганликни муддатидан илгари олиб ташлаш тўғрисидаги илтимоснома рад этилган тақдирда, такрорий илтимоснома рад этиш тўғрисидаги суд ажрими чиқарилган кундан бошлаб камида бир йил ўтгандан кейин берилиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, судланганлик ҳолати тугалланиши ва олиб ташланишига оид қонунчиликни қўллашда юзага келаётган масалаларни ҳал этиш борасида берилган тушунтиришлар, шубҳасиз, суд ҳамда дастлабки тергов идораларининг процессуал қонун талаблари асосида ишни ташкил этишларига яқиндан кўмаклашади. Бу, ўз навбатида, юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳар томонлама таъминлашга хизмат қилади.

Давлатмирза КАМИЛОВ,
Талъатжон МЕЛИБОЕВ,
Олий суд судьялари

Ўзбекистонга катта режа ва мақсадлар билан бормоқдамиз

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

"Siemens" компанияси Ўзбекистондаги офисини 1994 йилда очган. Ўтган йилларда мамлакатингиз билан ҳамкорликда кўплаб лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширдик. Жумладан, Сирдарё иссиқлик электр станциясида иккита энергия блокини, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Урганч шаҳарларидаги халқаро аэропортларни модернизация қилишда қатнашдик. Шифохоналарга замонавий томография ускуналари, Устюрт газ-кимё мажмуасига энергетика жиҳозлари етказиб бердик.

Халқаро инвестициявий форум Ўзбекистондаги истиқболли бизнес лойиҳаларни, ҳамкорлигимизни янада кенгайтириш истиқболларини муҳокама қилиш учун имконият яратади.

Кшиштоф КОРЧАК, *"Convert Energy" компаниясининг техникавий директори (Польша):*

— Компаниямиз энергетика соҳасида фаолият юритади. Ўзбекистон билан энергетика ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида ҳамкорлик қилиб келяпмиз.

Ўзбекистонга катта режа ва мақсадлар билан бормоқдамиз. Халқаро форум доирасида "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти билан ҳамкорликка оид шартнома имзолашни режалаштирганмиз. Бу бизга Ўзбекистонда сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш, техника ва технологияларимизни олиб кириш имконини беради. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилади, деган умиддамиз.

Барун Кумар СИНГХ, *"Bimal Water Solutions" компанияси директори (Ҳиндистон):*

— Ўзбекистон иқтисодиёти барча соҳаларда изчил ривожланаётир. Мамлакатингизни муҳим ва истиқболли ҳамкор, деб ҳисоблаймиз. Чунки Ўзбекистонда хорижлик сармоядорлар учун қўшма лойиҳаларни амалга оширишда улкан имконият ва имтиёзлар яратилган.

Компаниямиз мева ва сабзавотларни қайта ишлаш технологияларини ишлаб чиқаради. Ўзбекистон билан ҳамкорлигимизни янада кенгайтириш учун катта имкониятлар мавжуд. Халқаро инвестициявий форум ана шу имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш, ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади. Анжуман доирасида ушбу соҳада таклиф этилаётган лойиҳаларни ўрганиш, мамлакатингиздаги эркин индустриал зоналар фаолияти, у ерларда иш юритиш учун яратилган қулайлик ва имкониятлар билан танишиш ниятидамиз.

Нодира МАНЗУРОВА,
Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбирлари

Ватанимиз сайёҳлик салоҳияти ва ҳуқуқий асослар

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Қўйи палатанинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар, "Ўзбектуризм" миллий компанияси, Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси, соҳага кадрлар тайёрлаб бераётган олий ўқув юртлари, сайёҳлик фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Н.Умаров ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида Ўзбекистоннинг халқаро туристик бозордаги ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида изчил чора-тадбирлар амалга оширилганини таъкидлади. Хорижий ва ички туризмни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари белгиланиб, кўп минг йиллик бебаҳо тарихий, маданий-маънавий меросимиз дунё аҳлига намойиш этиб келинмоқда.

Соҳанинг ҳуқуқий базаси такомиллаштириб борилаётгани туризм фаолиятини тартибга солиш ва ривожлантиришга хизмат қилмоқда. "Туризм тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва бошқа ҳужжатлар, халқаро ҳамкорликка оид тузилган ҳукуматлараро ва идоравий шартномалар, давлат дастурлари, шунингдек, ҳудудий дастурларни қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилгани соҳани янада равнақ топтиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифатини жаҳон андозалари даражасида ташкил этишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар натижасида 110 халқаро сайёҳлик йўналиши ташкил этилган. Халқаро туризмнинг муҳим йўналиши - Буюк ипак йўлини қайта тиклаш, хорижий сайёҳларни кенг жалб этиш мақсадида бир қатор шаҳарларимизда халқаро туризм бўйича махсус очиқ иқтисодий минтақалар ташкил қилинди. Улардаги аэропортлар ва темир йўл вокзалларида сайёҳлар учун божхона расмийлаштирувининг халқаро меъёрларга мос соддалаштирилган тартиби, транзит сайёҳлар учун махсус божхона зоналари жорий қилинди.

Семинарда туризм ва туристик фаолиятга оид маъмурий бошқарув тизимини, соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга оид фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

инстанцияси

ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашда муҳим ўрин тутади

Шикоят ёки протестда оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш зарурлиги, жазони кучайтириш ёки маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирадиган бошқа ўзгаришлар назарда тутилган бўлса, суднинг айблов ҳукмини ёки ажримини (қарорини), шунингдек, суднинг оқлов ҳукмини ёхуд ишни тугатиш тўғрисидаги ажримини (қарорини) кассация тартибида қайта кўриб чиқишга улар қонуний кучга кирганидан кейин бир йил мобайнидагина йўл қўйилади.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 503-моддасига мувофиқ, ҳукм устидан шикоят берган ёки протест билдирган шахс ўз шикояти ёхуд протестини қайтариб олишга ҳақлидир. Юқори турувчи прокурор ҳам протестни қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Маҳкум ўз ҳимоячисининг шикоятини қайтариб олишга ҳақли.

Кассация инстанцияси суди ишни кўриш натижалари бўйича ажрим чиқаради. Бу ажрим судьяларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади ва барча судьялар томонидан имзоланади. Овоз беришда озчиликни ташкил этган судья ажримга имзо қўйиб, ўзининг алоҳида фикрини ёзма равишда баён қилишга ҳақлидир. Кассация инстанцияси судининг ажрими устидан назорат тартибида шикоят қилиниши ва протест билдирилиши мумкин.

Қонунда кассация шикояти (протести) бериш учун бирон-бир муддат белгиланмаган. Шу билан бирга, Жиноят-процессуал кодексининг 500-моддаси мазмунига кўра, ҳукм (ажрим) қонуний кучга кирган кундан бошлаб бир йил ўтгандан сўнг берилган шикоят (протест), башарти унда оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш зарурлиги, жазони кучайтириш ёки маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирадиган бошқа ўзгаришлар (маҳкумни ўта хавфли рецидивист деб топиш, жазони ижро этиш колониясининг қаттиқроқ турини белгилаш, шартли ҳукмни бекор қилиш, ундирув миқдорини кўпайтириш, башарти бу жиноят квалификацияси маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирувчи томонга ўзгартирилишига олиб келса ва ҳ.к.), шунингдек, оқлов ҳукмини ёхуд ишни тугатиш тўғрисидаги ажримини бекор қилиш назарда тутилган бўлса, суд томонидан қаноатлантирилиши мумкин эмас. Кассация инстанцияси суди жиноят ишини фақат шахс судланган ёки оқланган айблов доирасида кўриб чиқади. Бироқ шикоят (протест) ким томонидан берилганлигидан қатъи назар, суд ишни янгидан судда кўришга юбормай ёки қайта тергов юритиш учун қайтармай туриб, ўз қарори билан жазони кучайтиришга, шунингдек, оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллашга ҳақли эмас. Қонунда қайд этилганидек, ҳукм кассация инстанцияси суди томонидан маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирувчи томонга фақат жабрланувчи (унинг вакили)нинг шикоятида, прокурор протестида кўрсатилган асослар бўйича бекор қилиниши мумкин. Масалан, шикоят (протест)да фақат маҳкумнинг ҳаракатлари нотўғри квалификация қилинганлиги тўғрисидаги масала қўйилган бўлса, суд ҳукмни жазонинг енгиллиги сабабли бекор қилишга ҳақли эмас.

Ишни кўриш ва ҳал этиш жараёнида холислик, беғаразлик, адолат ва қонунийликка қатъий риоя этиш зарур. Шунга кўра, ишнинг кўрилиш жойи, санаси ва вақти тўғрисида тегишли равишда хабардор этилган шахсларнинг узрли сабабларсиз суд мажлисига келмаслиги уни кўриш учун монелик қилмайди.

Айни пайтда қонун талабига кўра, кассация инстанцияси судида прокурор ва ҳимоячининг иштироки шарт. Шу сабабли прокурор ёки ҳимоячи келмаган ҳолларда ишнинг муҳокамаси кейинга қолдирилади.

Кассация тартибида иш юритишнинг апелляция тартибидан фарқли хусусияти шундан иборатки, кассация инстанцияси суди фақат қисман суд тергови ўтказиши, шу жумладан, биринчи инстанция суди томонидан текширилмаган далилларни текшириб чиқиши ва уларга суд мажлисида аниқланган янги ҳолатлар натижасига кўра, ҳуқуқий баҳо бериши мумкин.

Кассация инстанцияси судининг ажрими у эълон қилинган пайтдан эътиборан кучга киради ва дарҳол ижрога қаратилиши шарт.

Юқорида баён этилганлардан ҳам кўринадики, кассация судлови юртимизда суд демократияси, адолат ва қонунчилигимиз тантанасини таъминлаш йўлидаги муҳим ва ҳал қилувчи босқич ҳисобланади.

Бобир УМАРОВ,
жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти судининг раиси

Jinoyatga jazo muqarrar

Такроран босилган эгри қадам

хавфли рецидив жиноят деб топилади

Маълумки, жиноий қилмишлар ўз хусусиятига кўра, ижтимоий хавф катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноятларга бўлинади. Ўз навбатида, рецидив жиноятлар хусусида ҳам алоҳида тўхталиш жоиз.

Чунончи, амалдаги Жиноят кодексининг "Рецидив жиноят" номли 34-моддасида белгиланганидек, шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят ҳисобланади. Қонунда рецидив жиноятнинг учта — оддий, хавфли ва ўта хавфли турлари белгиланган.

(Давоми тўртинчи бетда)

E'tirof

Иқтисодиётимиз реал сектори ютуқларининг намойиши

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мамлакатимиз йирик саноат корхоналари, жумладан, Олмалиқ конметаллургия комбинати стендлари ҳар йилгидек ўзининг кенг кўлами билан ажралиб турибди. Жорий йилда комбинатда Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида қиймати 67 миллиард сўмлик 27 лойиҳа амалга оширилмоқда. "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси стенди ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Компания стендида бурғулаш ва нефть-газ конлари ускуналари учун эҳтиёт қисмлар, турли нефть қувурлари, арматуралар, назорат-ўлчаш приборлари, пайвандлаш материаллари, кимёвий реагентлар ва бошқа кўплаб маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш имкониятлари билан танишиш мумкин.

"Ўзэкспомарказ"нинг очиқ майдонида кўплаб корхоналар, жумладан, "Ўзавтосаноат" акциядорлик компаниясининг ўттиздан ортиқ қўшма корхонасини ўз ичига олган Ўзбекистон автомобиль саноати маҳсулотлари намойиш этилмоқда.

Самарқанд автомобиль заводи ўзининг 10 турдаги маҳсулотини тақдим қилмоқда. Хусусан, атмосферага кам миқдорда зарарли газ чиқарадиган "LE60" шаҳар автобуси ва "Isuzu NRL" шассиси асосидаги тез тиббий ёрдам автомобили билан бир қаторда кам юк кўтарадиган машиналар ҳам намойиш этилаётир.

"GM-Uzbekistan" намойиш этаётган янги маҳсулотлар орасида "Labo" енгил автомобили ҳам бор. Бугун ушбу компанияда ўн русумдаги автомобиллар ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, унинг таркибида автомобиллар учун зарур бутловчи қисмларни тайёрлайдиган ўнлаб замонавий корхоналар ҳам фаолият юритмоқда. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш жараёнида заводда қарийб 320 та эскирган техника алмаштирилди.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ҳам саноат форумининг доимий иштирокчиларидан биридир. Унинг стендида авиакомпания фойдаланаётган ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган, шунингдек, маҳаллий корхоналарга ўзлаштириш учун таклиф этилаётган маҳсулотлар намойиш қилинмоқда. Форум қатнашчилари авиакомпаниянинг йўловчи ва юк ташиш бўйича имкониятлари, "Навоий" аэропортидаги юк терминалининг юкларга ишлов бериш ва вақтинча сақлашга доир хизматлари билан танишиши мумкин.

"Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти таркибидаги корхоналар стендлари ҳам гавжум. Мамлакатимизнинг деярли 130 тўқимачилик ва тикувчилик-трикотаж корхонаси техник ва аралаш матолар, ип ўраш учун мўлжалланган қоғоз конуслар, техник тасмалар ва бошқа кўплаб маҳсулотлар, шунингдек, трикотаж мато, тикувчилик-трикотаж ва пайпоқ маҳсулотлари, махсус кийимлар ва бошқа экспортбоп товарларни намойиш қилмоқда.

— Ўтган йилги Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида соҳамиз корхоналари маҳсулот етказиб бериш бўйича қиймати 40,7 миллиард сўмдан зиёд шартномалар тузган эди, — дейди "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти ҳузуридаги Тўқимачилик маҳсулотлари рекламаси ва маркетинги агентлиги директори Даврон Акбаров. — Бу галги ярмарка якунида корхоналар қиймати ўтган йилги кўрсаткичдан уч баробар ошадиган миқдорда шартномалар тузишни режалаштирган.

Маълумки, юртимизда энергетика салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, тармоқ корхоналарини модернизациялаш, энергия ресурсларини тежашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти таркибидаги ўнлаб корхоналар бу соҳадаги ютуқларни, энергияни тежаш, узатиш ва ҳисоблаш бўйича замонавий жиҳозларни, соҳа учун зарур материаллар ва эҳтиёт қисмларни намойиш этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 4 мартдаги "2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда ишлаб чиқаришни янгилаш ва инновация технологияларини жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтарди. Ушбу дастурда нефть-газ ва нефть-кимё саноатида табиий газ ва газ конденсатини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва турини кенгайтириш режалаштирилган.

"Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси томонидан бу борада изчил ишлар амалга оширилмоқда. Импорт ўрнини босадиган ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўлами кенгаймоқда.

— Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси Ўзбекистоннинг улкан иқтисодий салоҳияти билан яқиндан танишиш имконини бераётир, — дейди Малайзиянинг "Clarion" компанияси бош менежери По Кю Кой. — Ўзбекистонда ўз бизнесимизни ривожлантиришдан ғоят манфаатдормиз. Мазкур анжуманда иштирок этиб, Ўзбекистонда кенг турдаги юксак сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Мамлакатингиз саноати изчил ривожланиб бораётгани яққол кўзга ташланмоқда.

Энг асосийси, Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида ишлаб чиқаришни оптималлаштириш, ички тармоқ ҳамда тармоқлараро кооперацияни мустаҳкамлаш, республикамизда тайёрланаётган маҳсулотлар ҳақида кенгроқ маълумот тақдим этиш ва уларни шерикларга етказиб беришдек муҳим вазифалар ижроси таъминланишига хизмат қилаяпти. Бу ерда, айниқса, тайёр буюмлар, асбоб-ускуналар, материаллар, хомашё харид қилиш ва етказиб бериш, ишлаб чиқариш хизматларини кўрсатиш юзасидан қўшимча савдо тендерлари ўтказмасдан шартномалар тузиш имконияти яратилгани иштирокчиларга жуда манзур бўлмоқда.

Саноатчилар учун муҳим воқеага айланган ушбу форум 2 ноябргача давом этади.

Бобомурод РАЙИМОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Jinoyatga jazo muqarrar

Такроран босилган эгри қадам

хавфли рецидив жиноят деб топилади

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Илгари ҳукм қилинган жиноятига ўхшаш жиноят содир этган, мазкур кодекснинг Махсус қисми бошқа моддалари билан ҳам, ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши хавфли рецидив жиноят деб топилади. Шахс суднинг ҳукми билангина ўта хавфли рецидивист деб топилиши мумкин.

Илгари ўта оғир жиноятчи учун ёки икки марта оғир жиноятчи учун ҳукм қилиниб, уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс томонидан ўта оғир жиноят содир этилиши ёки илгари оғир жиноятчи учун икки марта ҳукм қилинган ёки олдин-кейинлигидан қатъи назар, оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун уларнинг ҳар бирига беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахснинг оғир жиноят содир этиши ҳам ўта хавфли рецидив жиноят деб топилади.

Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда унинг бошқа давлатлар судларининг ҳукмлари бўйича судланганлиги ҳам ҳисобга олиниши мумкин. Ушбу масала кўриб чиқилаётганда шахснинг ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар содир этган жиноятчи учун судланганлиги, шунингдек, қонунда белгиланган тартибда судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки олиб ташланган судланганлиги инобатга олинмайди.

Жиноят кодексининг Махсус қисмидаги ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи моддалар шахс ушбу жиноятни содир этгунга қадар қонунда белгиланган тартибда хавфли рецидивист деб топилган бўлсагина қўлланилади.

Шуни ҳам назарда тутиш лозимки, айбнинг эҳтиётсизлик шаклидаги икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этиш ҳоллари, гарчи шахс эҳтиётсизлик ортида содир этган жиноятчи учун илгари жавобгарликка тортилган бўлса-да, рецидив жиноят, деб топилиши мумкин эмас.

Судланганлик ҳолатининг мавжудлигига келсак, бу ҳолат жазонинг у ёки бу даражадаги тури ҳамда ҳажмига таъсир этади, турли хил жиноий-ҳуқуқий оқибатларга олиб келади. Жумладан, қилмишни рецидив жиноят деб топишга асос бўлади, шунингдек, жавобгарлик ва жазодан озод қилишнинг баъзи турларини қўллашга тўсқинлик қилади. Қолаверса, жавобгарлик ва жазога тортиш муддатлари ўтишининг тўхтатилишига сабаб бўлади.

Оддий рецидив қилмишдан фарқли равишда хавфли рецидив қилмиш баъзи турдаги жиноят таркиблари учун баҳоланадиган белгилар каби таърифланади. Хавфли рецидив ҳаракат Жиноят кодексининг Махсус қисми кўпгина, хусусан, 97-моддаси 2-қисми "р" банди; 104-моддаси 3-қисми "б" банди; 164-моддаси 3-қисми "а" банди асосида жиноятларнинг баҳоланадиган белгилари сифатида қараб чиқилади.

Хавфли рецидив жиноят такроран содир этилган ва шахс бу жиноятчи учун судланиб, мол-мулкни қасддан нобуд қилиш жиноятини содир этган ҳолларда унинг қилмиши мазкур кодекснинг 56-моддаси "н" бандига ҳавола қилиниб, жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида малакаланади.

Агар биринчи марта содир этган жиноятчи учун шахсни жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса; судланганлик ҳолати белгиланган тартибда олиб ташланган ёки ўтиб кетган бўлса; ёки шахснинг илгари содир этган жиноий ҳаракати учун жавобгарлик қонун билан бекор қилинган бўлса; Жиноят кодексининг 65, 66, 66[1], 68, 69, 70, 71, 76-моддаларига биноан илгари содир этган жиноятчи учун жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод этилган бўлса, гарчи жиноят такроран содир этилган ёки илгари ҳам қасддан жиноят қилгани учун судланган бўлса-да, бу жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилмайди.

Мазкур ҳолат нафақат оддий рецидив жиноятга, балки рецидив жиноятнинг қолган барча турларига ҳам тааллуқлидир. Чунки оддий рецидив жиноятга тегишли умумий белгилар уларга ҳам хос.

Аммо шуни ҳам назардан қочирмаслик зарурки, илгари ўта оғир жиноятчи учун ҳукм қилиниб, беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган шахс томонидан ўта оғир жиноят содир этилиши; муқаддам икки марта оғир жиноятчи учун ҳукм қилиниб, уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахснинг оғир ёки ўта оғир жиноят содир этиши; илгари олдин-кейинлигидан қатъи назар, оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун ҳар бирига беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахснинг яна бир марта оғир жиноятга қўл уриши ўта хафли рецидив жиноят сифатида тавсифланади.

Шу ўринда ҳаётий мисолларга эътибор қаратсак, урганчлик Болтабой Жабборов ҳам ана шундай ёмон отлилар сирасидан бўлиб чиқди — у ўта хавфли рецидивист, деб топилди. Эндигина 35 ёшга кирган бу кимса 6 марта жиноий қилмишга қўл уришга улгурган.

Ҳаётда ўз қилмишидан тўғри хулоса чиқариб, ҳалол яшашни хаёлига келтирмаган Б.Жабборов ўзининг кейинги жиноий фаолиятига Урганч шаҳрида истиқомат қилувчи Дониёр Бекчонов, Мурод Одамбоев, Мурод Каримов, Урганч туманида яшовчи Суҳроб Сафарбоевни ҳам жалб этади. Жиноий шериклар Б.Жабборов бошчилигида 2014 йилда уч марта ўғирлик жиноятига қўл уришади.

Яъни улар Б.Оллаберганов-га тегишли машина ичидан қиймати 1 миллион 200 минг сўмлик ноутбук, тадбиркор А.Бозоровга қарашли дўкондан нархи 1 миллион 680 минг сўмлик маҳсулот, К.Мадраҳимовнинг омборхонасидан баҳоси 900 минг сўмлик велосипедни ўғирлашди. Қинғирлик беиз ва беоқибат кетармиди? Йўқ, албатта. Ҳаромтомоқ шериклар тезда қўлга тушиб, қилмишларига яраша жазо олишди.

Аниқланишича, у муқаддам содир этган жиноятчи учун белгиланган жазодан 2013 йил июль ойида — муддатидан 3 йилу 7 ой олдин суд ажримига мувофиқ шартли равишда озодликка чиқарилган. Яъни Б.Жабборов қонунчилигимизда белгиланган кечиримлилик ва бағрикенглик тамойилидан яна бир бор баҳраманд бўлган. Афсуски, у кейинги жиноятини ушбу муддат ниҳоясига етмай туриб содир этди.

Албатта, қонунларимиз қинғирлик кўчасига кирганларни хоҳ жамиятдан ажратилган ҳолда, яъни жазони ўташ муассасасида, хоҳ ажратилмаган ҳолда, демакки, оиласи бағрида қолдирилган тарзда тарбиялаш, уларга ўз ҳаётини шу йўл билан изга солишига, бошқалар сингари ҳалол турмуш кечиришига кўмаклашиш чораларини назарда тутади. Бироқ орамизда Б.Жабборов каби кимсаларнинг кирдикорларига хос жиноий турмуш тарзини инон-ихтиёр қилганлар оз бўлса ҳам, учраб туради.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз қонунчилигида бундай оғир оқибатли ва асоратли қилмишга қўл урганлар учун адолатли ва муқаррар жазо чоралари мавжуд эканини ва ҳамиша тўғри йўл — турмуш зийнати эканлигини унутмаслик лозим.

Яшин БОЛТАЕВ,
жиноят ишлари бўйича Хонқа тумани судининг раиси

G'aroyib olam

Барча ҳайвонлар сингари йўлбарсларнинг ҳаёт тарзи ўзига хос ҳамда ғаройибдир. Улар табиатнинг ўта мағрур жонзотлари қаторига киради. Яшаш, ов қилиш, жараёнлари ғалати қонуниятлар, изчил тартиботлар асосига қурилган.

Биз билган ва билмаган дунё

ЙЎЛБАРСЛАР ОЛАМИ

Йўлбарсларнинг дунё бўйлаб тарқалган тўққиз хил тури бўлиб, ҳозирги кунгача шулардан уч хили бутунлай қирилиб кетган. Амур йўлбарси йирик гавдали ҳисобланади. Думини ҳисобга олмаганда ҳам гавдаси қарийб уч метрга етади. Уч-тўрт ёшли йўлбарсларнинг ўзи 320 килогача тош босиши мумкин. Йўлбарслар йиртқичлар ичида фақат қўнғир айиқдангина кичикроқ саналади.

Йўлбарс асосан кечқурун, тунда ва тонг пайти фаоллашади. Кундузи уясида ётиб ухлайди. Йўлбарс болалари тик дарахтлар танасига осон чиқа олади. Бу ҳайвонлар аксарият тўнғиз, буғу, кийик, сайғоқ, маймун излари бўйлаб ҳаракатланишади. Сув ҳавзаларида жуда енгил сузади. Иссиқни ёқтирмагани учун унча-мунча кучли совуқни ҳам писанд қилмайди.

Балоғат ёшига етган йўлбарс асосан ўз ҳудудини белгилаб олади-да, танҳо яшайди. У ўз ҳудудини қуйидаги усуллар билан белгилайди: қор ёки юмшоқ ерни панжаси билан ковлайди, дарахт танасини тирнаб, белги қолдиради. Шулар унинг чегара белгилари ҳисобланади. Энг қизиғи шундаки, эркак йўлбарс ўлжа миқдорига қараб 60 дан 100 км.кв. гача бўлган ҳудудни ўзиники қилиб олади.

Баъзан йўлбарслар ўзига ўхшаган йиртқичларга ҳам ташланиб қолади. Масалан, бўри, қоплон ва ҳатто қаҳрли қўнғир айиққа ҳам ҳужум қилади. Амур йўлбарси 50 килолик ўлжасини опичлаб икки ярим метр баландликдан сакраб ўта олади, турган жойида хўрагига қараб бир-йўла 10 метрга "учиш"ни эплайди.

Малай айиқлари одатда, ҳар доим маҳаллий йўлбарсларга ҳужум уюштиради. Қизиғи шундаки, ҳали бирор марта бу жанжал айиқ фойдасига ҳал бўлган эмас: айиқ мудом рақибининг қурбонига айланган.

Йўлбарс учун энг хавфли махлуқ ҳинд филлари ҳисобланади, шу боис гоҳ-гоҳида фил болаларига ташланишга журъат қилишади, холос.

Йўлбарснинг қишки ва ёзги ов усуллари бор. Қишда пусиб келиб тополмаган ўлжасига ёзда пистирма қўяди. У ўлжага ҳидини сездирмаслик мақсадида шамолга тескари томондан деярли ер бағирлаб бориниб боради. Ўлжа яқинлашганда дарҳол мислсиз шиддат билан унга қараб отилади ва шу заҳоти бўғзидан олиб, нафас олдирмай қўяди. Ови бароридан келмаса, 150 метр масофагача қувади, ана шу ҳолатида 5 метр баландликка ҳам сакрайди. Ови ўнгидан келса, юз килолик ўлжани бир неча чақирим масофагача кўтариб кета олади. Етилган ёшдаги йўлбарс ўзидан етти баробар оғир юкни тиши билан анча олис масофага судраб бораверади.

Она йўлбарс ўзининг насл қолдириш маконини диққат билан қидиради ва одатда, уни ўзгартирмасликка тиришади. Қоя таги, шох-шаббалар панаси ёки ғорлар мана шундай макон вазифасини ўтайди.

Йўлбарсчаларнинг дунёга келиш жараёни баҳорнинг бошлари — март, апрел ойларига тўғри келади. Она йўлбарс 2-4 тагача бола кўриши мумкин. Уларнинг вазни бир ярим килодан ошмайди. Бир ҳафтагача кўзи очилмайди.

Бир ярим ойгача она сути билан яшайди. Икки ойдан сўнг онаси орқасидан эргаша бошлайди. Она йўлбарс уларни бегона йўлбарсларнинг ҳужумларидан қўриқлайди. Эркак йўлбарс, одатда, болаларининг катта бўлиш жараёнига умуман аралашмайди. Болакайлар бир ярим ёшда бутунлай мустақил ҳаётга қадам қўядилар. Аммо оналари тағин бир неча йил уларни тарк этмай ҳимоя қилиб юради. Икки-уч йилдан кейин болалар балоғатга етиб, ўзларининг мустақил чегараларини белгилаб оладилар. Она йўлбарс эса, бари бир меҳрибончилик юзасидан шу ҳудуд атрофида ўралашаверади...

Соғлом йўлбарснинг ўртача ҳаёт кечириш даврийлиги 26 йилни ташкил қилади. Она йўлбарс бу даврда 10 тадан 20 тагача бола кўради. Лекин буларнинг тенг ярми ғўдак вақтидаёқ нобуд бўлиб кетади.

Йўлбарслар доим инсон томонидан таъқиб этиб келинган. Уларнинг сони ҳам, яшаш майдонлари ҳам тобора камаймоқда. Агар XIX аср ва бугунни солиштирсак, бу рақам қарийб 95 фоизни ташкил этади, яъни юз йил аввалги юзта ҳайвоннинг бугун бештаси ҳаёт кечиряпти. Бош сони бўйича ҳисобланса, ер юзида бор-йўғи 6500 та йўлбарс мавжуд. Улар ҳам асосан Ҳиндистон, Вьетнам, Лаос, Таиланд ва Бирма ҳудудларидадир. Халқаро табиатни муҳофаза қилиш уюшмасининг ҳисобига кўра, дунё миқёсида Амур йўлбарсларининг 450 тагинаси ҳаёт, жанубий Хитой йўлбарслари эса, бор-йўғи 30 та, холос.

Йўлбарслар Халқаро Табиатни муҳофаза қилиш уюшмасининг Қизил китобига киритилган. 1947 йилдан йўлбарсларни овлаш, 1955 йилдан бошлаб эса йўлбарс болаларини тутиш қатъиян тақиқланган.

Фақат кейинги йилларда АҚШнинг сунъий қўриқхоналарида йўлбарслар кўпайиши йўлга қўйилиб, бугунги кунда улар сони 20 мингтага етди. Шулардан 5 минг боши ҳайвонот боғларида боқилмоқда.

Интернет материаллари асосида Оловиддин СОБИР ўғли тайёрлади.

КУЧ—АДОЛАТДА

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шоюнус ГАЗИЕВ
Светлана АРТИКОВА
Қўчқор ТОҒАЕВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Ғайрат ХИДОЯТОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 239-02-55, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@oliysud.uz
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-1022. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 7050.
1 2 3 4 5 Топшириш вақти: 20[00] Топширилди: 21[30]